

МЕҲРИНОЗ АББОСОВА

**ЮЛДУЗРАНГ
ҚЎШИҚЛАР**

Шеърлар

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)7
А – 12

А – 12 **Аббосова, Мехринос**
Юлдузранг кўшиқлар: Шеърлар. – Т.:
«Sharq», 2014. – 64 б.

ISBN 978-9943-26-176-1

УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-26-176-1

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2014.

* * *

Дуолар йиғилган момом кафтига,
Дунёлар йиғилган бобом кафтига.
Қуёш исинади қўлларин чўзиб,
Аждодларим ёққан гулхан тафтига.

Улуғлар бургутдир, ўзиб чиқмоқда,
Асрий зулмат йўлин тўсиб чиқмоқда.
Ўша бургутларга интилган сарим
Елкамдан қанотлар ўсиб чиқмоқда.

Онамга бахт бердинг, эй сен Истиклол,
Отамнинг кўксига шамоллар тегди.
Шукур, ўзига бек акаларимнинг
Боши эгилмайди ҳеч кимга энди.

Шу она тупроқдир энг тоза байтим,
Заминни қучоқлаб етгум осмонга.
Бир хушхабар бўлиб келган бўлсайдим
Кўзи кулиб турган Ўзбекистонга!



КЕЧИРАСИЗ

Югуради соат миллари,
Етмай қолар баъзан нафасим.
Қадамимни тезлатган сари,
Секинлашар ҳамма-ҳаммаси.

Салом, хайр, хурматли ҳаёт,
Тўсаверманг йўлимни такрор.
Кечирасиз, шошиб турибман,
Ўзим билан учрашувим бор!

ДУНЁ ИЧРА

Дунё ичра ҳар бир одамнинг
Кўзлари шеър, нигоҳлари шеър.
На-да одам, бани оламнинг,
Япроқларнинг титроқлари шеър.

Балки, билмам ҳали ўзим ҳам
Ошиқликка доирлигимни.
Ҳар қадамим шеърдан иборат,
Қайга ташлай шоирлигимни?!



* * *

Шеърим, сенинг ҳар нафас
Ўрнинг билинади.
Кипригимга уйқумас,
Юлдуз илинади.

Тақдирим сўзга боғлиқ,
Қисматим ҳам сўзга.
Ёзганларимдан бўлак
Нима бор ўзга?!

Совуққотган қуёшни
Иситар нафасим.
Шунчаки ҳаваскорга
Келмайди ҳавасим.

Шунчаки бўлмайман –
Шу менинг биларим.
Ёритгай дунёни
Юлдузранг шеърларим!



* * *

Топ-тоза сўзларни лойқалаштирманг,
Рангини ўчирманг, тутинг покиза.
Майда гаплар, майда суҳбатлар билан
Етиб бўлармиди кўнгил тоқига.

Авайланг, онани авайлагандек,
Сўзни сингил каби эҳтиёт қилинг.
Ёлғон илтифотлар ясаманг сўздан –
Бир яхшилик қилинг, илтифот қилинг.

Сўзламоқ бахтини берибди Тангрим,
Шак келтирманг бундай олий неъматга.
Сўзлар кирланади, айтишдан олдин
Чайиб олмасангиз самимиятга.





МАСОФА

Кичрайиб бормоқда сенинг масофанг,
Менинг йириклашиб бормоқда дардим.
Олисроқда бўлсанг, олисда бўлсанг,
Ҳозиргидан кўра яқин тутардим.

Сени ахтарардим ўзни йўқотиб,
Дунёни унутиб, сени эслардим.
Тарқоқ ҳисларимга йўқ эди тартиб
Сендан узоқроқда бўлган кезларим.

Кўксимизга солиб юрардик асраб,
Алмаштириб олиб юрагимизни.
Соғинмоқ севмоқдир, дегани рост гап,
Ўша айрилиқлар боғларди бизни.

Қирғоққа етишгач, тез қайтар денгиз,
Қарагин, севги ҳам шу ҳолга ўхшар.
Қолмас муҳаббатга яқинлигимиз,
Ўртада масофа бўлмаса агар.



ХАТ

Қачон дардга тўяр юрагим,
Бир чайқалиб қўяр юрагим,
Кўзларимда куяр юрагим,
Келмай тур.

Сени йўлга чиқармиш тақдир,
Балки бу йўл хали йирокдир,
Шундай кутиш лаззатлироқдир,
Келмай тур.

Орзуларим бўй чўзар кўкка,
Қарай олгум қуёшга тикка,
Узр... аммо ҳозирчаликка
Келмай тур.

Соғинишни соғиндим бу дам,
Шу фироқни кўрайлик баҳам,
Сени қанча яхши кўрсам ҳам...
Келмай тур.

Уйғотайин кўксимда шахдни,
Жиловини олайин вақтни,
Кўтаролмам бундайин бахтни,
Келмай тур.

Руҳим дайдиб борар саросар,
Сен келган он юрагим тўхтар –
Яшашимни хоҳласанг агар,
Келмай тур.

* * *

Шамол теккан япроқчалар
Ҳилпирайди байроқланиб.
Мўмингина қушлар саҳар
Ҳол сўрайди сайроқланиб.

Кулдим дунё ғамларидан,
Кечиб келдим сўнг баридан,
Чиққум қаро тун бағридан,
Ёзган шеърим-ла оқланиб.

Руҳим кезар бу танимда,
Юраккинам нимта-нимта,
Ҳар исмингни айтганимда,
Жоним кетар ушоқланиб.

Олис нурни кўраяпман
Ва минг бўлак бўлаяпман,
Ҳузурингга бораяпман
Ушшоқланиб, ушшоқланиб.